

**ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ**  
**ОЛИМЛАР КЕНГАШИНИНГ 263–СОНЛИ**  
**МАЖЛИСИ ҚАРОРЛАРИ**

29 ноябрь 2017 йил  
Тошкент шаҳри  
Қатнашдилар: Раис проф. Акилов Х.А.  
Котиба – доц. Гулямова М.К.  
Кенгаш аъзолари – 63 кишидан 53 киши

**Кун тартиби**

1. Пульмонология ва аллергология ҳамда фтизиатрия кафедраларининг ҳисоботлари.
2. Ҳорижда малака ошириш ишлари тажрибаси. Касимова М.С.
3. Давлат тест маркази назорати бўйича қилинган хулосалар. Проф. Атаханов Ш.Э.
4. Грант ишларининг бориши ҳақида ҳисобот. Проф.Исхакова Х.И.
5. Турли масалалар.  
Профессор унвонига танлов  
Эгалланган лавозимларга танлов  
Олимлар кенгашига ўзгартириш киритиш  
Спиртга талабни тасдиқлаш.  
Услубий ҳужжатларни тасдиқлаш.

Олимлар кенгаши аъзолари кун тартибидаги биринчи масала юзасидан муҳокама қилиб. Қуйидаги қарор қабул қилдилар:

**Олимлар кенгаши қарори: Пульмонология ва аллергология ҳамда фтизиатрия кафедраларининг ҳисоботи қониқарли деб топилсин. Ишчи гуруҳи раисининг таклифлари инобатга олинсин.**

**2. Ҳорижда малака ошириш ишлари тажрибаси. Касимова М.С.**

**Олимлар кенгашининг қарори: М.С.Касимованинг хорижда малака ошириш ишлари ҳақидаги маърузаси қабул қилинсин.**

**3. Олимлар кенгашининг қарори : ДТМнинг қайд этган камчиликларини бартараф этишга ҳаракат қилинсин.**

**Масъул:Каф.мудирлари, илмий ишларга масъул шахслар**

**Назорат:Институт илмий булими**

**Муддати: уқув йили давомида**

**ТВМОИ олимлари Хирш индекси кўрсаткичларини ошириш мақсадида хорижий нашрларда, Web of Science ҳалқаро маълумотлар базасида нашрларини қупайтиришлари лозим.**

**Масъул:Каф.мудирлари, илмий ишларга масъул шахслар**

**Назорат:Институт илмий булими**

**Муддати: уқув йили давомида**

**4. Исхакова Х.Ининг “Распространенность грамотрицательных бактерий , продуцирующих наиболее значимые β- лактамазы у больных с нозокомиальной инфекцией и оптимизация методов их фенотипического выявления (на примере г. Ташкента)” номли грантининг ҳисоботи қабул қилинсин.**

## Эгалланган лавозимларга танлов

### Олимлар кенгашининг қарори:

Каюмов У.К. т.ф.д., профессор,— “Ички касалликлар” кафедрасининг мудири, Исақов Э.Д. т.ф.н.,— “Гематология ва трансфузиология” кафедрасининг мудири, Мухамедова М. т.ф.д.,— “Кардиология” кафедрасининг доценти, Салиходжаева Р.К. – “Олий маълумотли тиббиёт хамширалари” кафедрасининг мудири, М.И. т.ф.д., профессор – “Умумий амалиёт врачлари малакасини ошириш” кафедрасининг мудири, Гулямов Б.Т.– “Тиббиёт техникаси ва инновацион технологиялар бўйича инженер техник ходимлар” кафедрасининг мудири Расулова М. – т.ф.н., “Ультратовуш диагностикаси” кафедрасининг доценти, Гаффаров С.А. т.ф.д., профессор – “Стоматология, болалар стоматологияси ва ортодонтияси” кафедрасининг мудири Набиев А.А. т.ф.н доцент,— “Шошилич тиббий ёрдам” кафедрасининг доценти., Хакимова Х.К. т.ф.н., доцент - “Офтальмология” кафедрасининг доценти,  
Пардаев Д.Э. т.ф.н.,— “Оториноларингология” кафедрасининг доценти,  
Кариев С.С. т.ф.н.,— “Урология ва нефрология” кафедрасининг доценти,  
Ахмедова И.М. т.ф.д.,— Педиатрия ва болалар овқатланиши” кафедрасининг мудири,  
лавозимларига танловдан ўтган деб ҳисоблансинлар.

### Олимлар кенгаши таркибига ўзгартириш киритиш ҳақида.

Олимлар кенгашининг қарори: Қуйидагилар таркибга киритилсин: Атаханова Л.Э., Салиходжаева Р.К., Исақов Э.Дж, Каюмов А.А., Кариев С.С., Фазилов А.А., Гулямов Б.Т, Ахмедова И.М., Юлдашев К.Х., Мамадалиева Я.С.

Юқоридаги таркибдаги Олимлар кенгаши таркиби тадиқлансин ва кенгаш таркиби 67 кишидан иборат деб белгилансин.

Олимлар кенгаши раиси,

проф. Акилов Х.А.

Олимлар кенгаши котибаси,

доц. Гулямова М.К.